

Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Бугун маърифий ислом тушунчаси билмий истеъмолда кенг ишлатилмоқда. Маърифий ислом деганда, суннийлик таълимотини, уни таркибан ташкил қилувчи мотуридия ва ашъария калом мактабларини, ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларини тушунамиз. Марказий Осиёда асрлар давомида амалда бўлган ҳанафий-мотуридий таълимоти ислом динининг асл моҳияти ўзида акс эттиргани, мўътадил ва инсонпарварлиги билан минтақадиги илм-фан, маънавият ва маданият ривожига муҳим ўрин тутган. Суннийлик таълимоти талқинига кўра: ислом сўзи луғатда бўйсунуш ва тинчлик маъноларини англатади. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқдир. Қаерда қонунга бўйсунуш бор, ўша ерда тинчлик бор. Қайси жойда итоатсизлик, исёнкорлик ҳукмрон у ерда зиддият, нотинчлик, хатто уруш...

Бугун Яқин Шарқ мамлакатларида содир этилаётган хунрезликлар, гуруҳбозлик ва ихтилофлар, тўқнашув ва қарама-қаршиликлар айнан бўйсунмаслик ва исёнкорликнинг аянчли

оқибатидир. Ҳанафийлик таълимотига оид манбаларга қайд этилганидек: ислом итоатдир, исёнкорлик эмас. Тинчликдир, урушқоқлик эмас. Омонликдир, даҳшат солувчилик эмас. Бағрикенгликдир, тарафкашлик эмас. Дўстликдир, тарқоқлик эмас. Бунёдкорликдир, ялқовлик эмас. Ватанпарварликдир, бузгунчи-боғийлик эмас. Меҳр-муҳаббатдир, қаҳрадоват эмас. Маърифатдир, жаҳолат эмас. Зиёдир, зулмат эмас....

Шундай экан, турли фитна ва бўҳтонлар, иғво ва тухматлар орқали инсониятга ислом моҳиятини бузиб кўрсатиш нақадар оғир жиноят экани кўз олдимизда яққол намоён. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиядаги маърузасида таъкидлаганидек: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас

динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мураса қила олмаймиз.

Ислон дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилятларни асраб-авайлашга даъват этади.¹

Қуръони Каримда “ислом” сўзининг ўзаги бўлган “силм” (тинчлик маъносида) сўзида асосида 140 дан яқин муборак калима зикр қилинган. Демак, тинчликни тарғиб қилувчи оятлар сони 140 га боради². Уруш маъносини англатувчи “ҳарб” сўзи ўзақдошлари билан бор йўғи 4 тадир³. У ҳам бўлса мудофаа мақсадини кўзлашини мутахассислар эътироф этганлар.

Ислон динининг асрлар давомида башариятни эзгуликка, маърифатга чорлаб келаётган, йиллар давомида ҳаётбахш маънолари кишилар қалбидан ўрин олиб, тарихнинг турли мураккаб онларида ҳам беназир ҳамдам, дилларга малҳам бўлиб, ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, турмушига рўзғор сафолигини, дунёкарашига ҳидоят зиёсини олиб кираётган тушунчаларини ислоний қадриятлар, деб атаймиз.

Бу қадриятлар имон, эътиқод, виждон, диёнат, маънавият каби ўлмас ва енгилмас туйғулар самарасидир. Бу қадриятлар олий даражадаги одоб-ахлоқ, чуқур билим ва маърифат тақозосидир. Бу қадриятлар тинчликсеварлик ва сулҳпарварлик, ҳақсеварлик ва инсонпарварлик, ватансеварлик ва халқпарварлик, билимсеварлик ва маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик каби бугун умуминсоний дея эътироф этилган, жаҳон тамаддуни тараққиётига бемисл улуш қўшган анъаналар ҳосиласидир.

Кези келганда миллий ва диний қадриятларимиз ўзаро чамбарчас боғланиб кетганини, уларни бир-биридан ажратиш мушкуллигини таъкидлаш жоиз. Қадрият масаласи ислонда ибодат даражасига кўтарилган. Ибодатлар моҳиятида эса

қадриятларни муҳофаза қилиш ётади. Масалан, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ота-онага яхшилик қилиш таъкидланган. Бу қадрият савоби улуг амаллардан ҳисобланади.

Ҳанафий мазҳабига кўра, ислондаги беш асоснинг моҳиятида инсоният учун қадрият ҳисобланган эзгуликлар ётади. Масалан, имоннинг энг кичик белгиси йўлдан кишиларга озор берадиган нарсани олиб ташлаш дейилади. Инсонлар учун йўл қуриш ёхуд йўлларни обод қилиш қадриятига имон белгиси сифатида қаралган. Ҳанафий-мотуридий олимлар ислон асослари инсониятни фаҳш ва бузғунчи ишлардан қайтаришини қайд этганлар. Савоб учун очлик ва ташналикни ирода қилса-ю, ёмонликлардан тийилмаса, бундай машаққатдан ҳеч қандай манфаат йўқлиги, савоб учун улуг зиёратга борса-ю аммо тилини бузуқ сўзлардан, ўзини фисқу фужур ишлардан тиймаса ҳатто узок давом этган сафаридан ҳам фойда бўлмаслиги таъкидланган. Даромадини қирқдан бирини эҳтиёжманд кишиларга бераман деса-ю, бу даромад нопок йўллардан келган бўлса, ёки нопок йўлларга сарфланса, савоб қиламан, деб гуноҳ ва жиноятга ботиб кетиши ҳақида огоҳлантирилган. Демак, ислонда савоб ва қадрият тушунчалари ўзаро чамбарчас боғланган.

Ислоний қадриятлари орасида биринчи ўринда турувчи бу албатта имондир. Ҳанафий-мотуридий таълимотида имон ишониши буюрилган нарсаларга дил билан ишониб, тил билан иқрор бўлишдир. Имон барча эзгуликлар манбаи, яхшилик ва гўзаллик асоси сифатида қаралади. Мўмин сўзининг маъноси – имонли, имон эгаси деганидир. Ҳалоллик, поклик, ҳаё, вафо, тўғрисиўзлик, садоқат сингари барча маънавий фазилятлар имоннинг бўлаклари сифатида талқин этилади. “Имон етмишдан ортиқ бўлақлардан ташкил топган, ҳаё имоннинг бўлагидир” дейилади ҳадиси шарифда.

Ўзини имонли деб ҳисобловчи ҳар бир инсон атрофга фақат эзгулик соғиниши ва кишиларга озор берадиган ишларнинг барчасидан ўзини тийиши лозим. Бу борада авлиёлар авлиёси,

¹ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

² <https://www.almaany.com/quran-b/%D8%B3%D9%84%D9%85/>

³ <https://www.almaany.com/quran-b/%D8%AD%D8%B1%D8%A8/>

мутафаккирлар мутафаккири, шоирлар султони бўлган Алишер Навоий инсониятга ибратдир. Алишер Навоийнинг умрини буюк ишларга бағишлашига сабаб бўлган туйғу комил имон эди. Шунинг учун ҳазрат ўзларининг “Наводирун-нихоя” асарларида: “Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглимга сол, Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо⁴” дея муножот қилдилар.

Ислондаги энг муҳим қадриятлардани яна бири ҳалолликдир. Ҳанафий олимларидан бири таъкидлаганидек: “Ибодат ўн қисм бўлса, шундан тўққиз қисми ҳалолликни талаб қилиш, қолган бир қисми бошқа ибодатлардир”. Ҳалоллик ҳар томонлама покликни ифодалайди. Шу ўринда яна Навоий ўғитлари ёдга келди. Буюк мутафаккир баркамоллик намунаси бўлган Фарҳодни тавсифлаб:

“Демон, ҳам кўнгли пок ҳам кўзи пок,
Тили поқу сўзи поқу ўзи пок.”⁵

Ҳалолликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ўғрилиқ, порахўрлик, фирибгарлик, давлат мулкани талон-тарож қилиш ва кишилар мулкига тажовуз ва хиёнат қилишдан тийилишдир. Ислон таълимотига кўра, энг бечора кимса бу ўзгаларнинг шаъни, соғлиги ва мулкига тажовуз қилган киши ҳисобланади. Унинг энг бечора, дейилишининг сабаби қилган гуноҳи ва жиноятининг то ўзи зулм қилган кишининг розилигини олмагунча кечирилмаслигидандир.

Ҳалоллик муҳимлигидан, унга олиб боровчи воситаларнинг барчаси, айниқса, меҳнат қилиш, касбу-хунар билан шуғулланиш ҳам ислоний қадриятлар орасида алоҳида ўрин тутди. Кишилар ҳақиқа кўз олайтириш, тамаъгирлик, дангасалиқ муқаддас динимизга қораланади. Ҳадиси шарифда “Инсон ўз кўли билан ишлаб топган лўқмасидан ширинроқ неъмат йўқ” экани таъкидланган. Шунинг учун, диёримиздан ўтган буюк аллома ва мутафаккирлар касбу хунар билан шуғулланганлар. Масалан, Тошкентнинг

Ҳастимом — Ҳазрат Имом даҳасига номи қўйилган Абу Бакр Шоший қафғоллик, яъни кулфсозлик қилган. Абу Саъид Харроз косибликни, Абу Ҳафс Ҳаддод темирчиликни касб қилган бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд матога гул солган. Диёримиз мусулмонлари амал қиладиган ҳанафий мазҳаби асосчиси – Имом Аъзам Нўъмон ибн Собит тижорат билан шуғулланган ва яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ҳанафий-мотуридий таълимотининг бугунги кунда долзарб бўлган тамойилларида бири бу каттага ҳурмат, раҳбарга итоат, қонунга риоядир. Унга кўра, ҳар бир имонли инсон ёши улуғларни эъзозлаши, раҳбарларга бўйсунити, давлат ва жамият қонун-қоидаларига амал қилиши ўта муҳимдир. Айни пайтда ислон оламининг баъзи нуқталарида юз бераётган парокандалик ва зиддиятнинг, ихтилоф ва адоватнинг, харобалиқ ва ҳалокатнинг асосий сабабларидан бири каттага ҳурмат, раҳбарга ва қонунга итоат тушунчасининг барбод бўлганидир. “Кичикларимизга раҳм қилмаган, катталаримизни ҳурмат қилмаган, яхшилиққа буюриб, ёмонликдан қайтармаган киши биздан эмас”, “Барақа катталарингиз билан бирга”, “Бир қавмнинг мўътабар кишиси келса сиз ҳам уни иззат-икром қилинг” мазмунидаги ҳадислар мазкур фикрлар исботидир.

Маданият инсоннинг турли соҳаларга оид фаолиятидаги билим ва ижодкорлигини умумлаштирувчи тушунчадир. Маърифат ва бунёдкорлик маданият асосидир. Маданият авлоддан авлодга ўтадиган моддий ва маънавий бойликлар, ғоялар, қадриятлар, анъаналар, ахлоқ-одоб қоидалари йиғиндисидир.

Ислон маданияти ислон динидаги эътиқод қилувчи халқлар фаолияти натижасида юзага келган моддий ва маънавий бойликларни акс эттирувчи тушунчадир. Моддий бойликлар деганда, илм-фан, адабиёт ва санъат, хунарамандчилик ва меъморчилик каби фаолият натижаси бўлган йиллар ўтиши билан қадри ошиб борадиган асарлар, ашёлар ва бинолар ва обидалар тушунилади. Маънавий бойликлар

⁴ http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/navodir_un_nihoya_ikkinchi_tom/gazallar/gazallar_1_100/

⁵ http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa_farhod_va_shirin_sakkizinchi_tom/11_20/

деганда, моддий бойликлардан фойдаланиш асносида юзага келадиган инсоннинг маърифати, ахлокий фазилатларини юксалтирадиган, руҳиятига завқ бағишлайдиган, ҳаётга бўлган муносабатини шакллантирадиган қадрият, анъана ва меъёрларни тушунамиз.

Ислом маданияти мусулмон халқлар томонидан яратилган жаҳон тамаддуни хазинасидан муносиб ўрин олган беназир илмий асарлар, санъат намуналари, бетакрор обида ва зиёратгоҳларни, шунингдек, Куръони карим ва ҳадиси шарифларда зикр этилган, олимлар, фозиллар, мутафаккирлар томонидан жамланган, инсоният маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган имон, виждон, диёнат, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат каби ахлокий фазилатларни ўзида акс эттиради.

Ҳанафий мазҳаби таълимоти Марказий Осиёда ислом маданияти ривожига муҳим аҳамият касб этди. Минтақадан етишиб чиққан нафақат диний уламолар, балки дунёвий илм-фан ривожига ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳанафий мазҳаби каталогларида қайд этилиши юқоридаги фикрлар исботидир. Масалан, алгебра фани асосчиси сифатида эътироф этилган ал-Хоразмий, асарларисиз медицина тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайдиган Ибн Сино каби алломалар ҳанафий мазҳаби намояндалари сифатида манбаларда қайд этилади. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг ақидавий ва фикҳий қарашлари айнан ҳанафий-мотуридий таълимотига мувофиқлиги маълум. Жумладан, мутафаккирнинг “Сирожул-муслимийн” номли асаридаги фикҳий масалалар айнан ҳанафий мазҳаби меъёрлари доирасида таълиф этилган. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ислом арконларини баён қилувчи “Мубайян” асари ҳам ҳанафий-мотуридий таълимотига асосланиб ёзилган.

2020 йилда Бухоро ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши замирида Бухоро ва у орқали Марказий Осиё минтақасига ҳанафий таълимотини олиб кирган Абу Ҳафс

ал-Кабир, Абу Ҳафс ас-Сағийр Бухорийлар, муҳаддислар султони Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, тиббиёт фанининг энг машҳур намояндаларидан бири Абу Али ибн Сино, сунний тасаввуфнинг йирик вакиллари Абдулҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг нафақат ислом илмлари, балки ислом тамаддуни тараққиётига қўшган беназир ҳиссалари мужассам.

Ҳанафий-мотуридий намояндаларининг ислом маданияти ривожига мақомлари ҳақида сўз борар экан диёримиздан етишиб чиққан бухорийлар, самарқандийлар, термизийлар, хоразмийлар, насафийлар, маргинонийлар ёдга келади. Улар қолдирган улкан маданий ва маънавий меросимизнинг бир қисми бўлган, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик қўлёзмалар институти хазинасида сақланаётган 100 мингга яқин қўлёзма ва тошбосма китобларда акс этган маънолар хазинаси юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон обида ва зиёратгоҳлари халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиши билан бирга дунё аҳлини, хусусан, диёримизга ташриф буюрувчи меҳмонлар, сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига ром этиб келмоқда. Ушбу улкан мероснинг асосий қисмини ислом маданиятига оид меъморий ёдгорликлар ташкил қилади.

Ватанимизнинг ислом цивилизацияси ривожига беназир ўрнини ҳисобга олган ҳолда АЙСЕЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2020 йилда Бухоро ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йилда мамлакатимизда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, миллий ва халқаро даражадаги анжуманлар ўтказилмоқда.

Ислом маданиятининг каттага ҳурмат, кичikka иззат, ота-онага хизмат, қариндошларга оқибат, қўни-қўшниларга меҳр-мурувват, бағрикенглик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қадриятлари диёримиз халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ва уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва замон руҳи билан бойитган ҳолда халқимизга етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.